Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 103 (20..670) • 1990 йил 5 май, шанба • Баҳоси 3 тийин.



● Совет матбуотининг сарчашмаларида В. И. Ленин турган эди (Бу сурат 1922 йил 4 октябрида олинган).

БУГУН — МАТБУОТ КУНИ

● Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб 279 та газета чиқиб турибди. Шулардан 17 таси республика, 4 таси автоном республика, 20 таси вилоят, 18 таси шаҳар, 176 таси район ва 74 таси кўп нусхали газетадир. Уларнинг бир марталик жами тиражи 6 миллион 591,5 минг нусхани ташкил этади. Мазкур газеталар ўзбек, рус, қорақалпоқ, тожик, қозоқ, қрим-татар ва бошқа тилларда чоп этиляпти.

● Жумҳуриятимизда ҳар йили 36 та номда 61 та журнал чоп қилинади. Уларнинг бир марталик тиражи 5 миллион 211,8 минг нусхадан иборат. 25 номда чиқариладиган 30 дан зиёд турли бюллетенларнинг бир марталик тиражи 2 миллион 456,8 минг нусхани ташкил этади.

● Қейинги йилларда Ўзбекистон аҳолисининг китобхонлиги ҳам ортиб, ҳар бир миллатнинг, айниқса, ўз она тилида ўқишга қизиқиши кучайди. Ўтган йили республикамизда 2335 номда китоб жами 47 миллион 981,5 минг нусхада нашр этилди.

МАТБУОТ—ДЕМОКРАТИЯ ВА ОШКОРАЛИК УЧУН КУРАШДА

Оммавий ахборот воситаларининг жамият турмушидаги аҳамияти беқиёсдир, лекин унинг аҳамияти қайта қуриш ва ошкоралик даврида янада ортди. Матбуот, радио ва телевидение қачонлардир ёпиб қўйилган мавзуларга дадилроқ ва қатъийроқ мурожаат эта бошладилар, тарихий ҳақиқатни тиклаш, демократия принципларини қарор топтириш, қайта қуриш жараёнларини таҳлил этиш учун кўп иш қилдилар. Газеталар ва журналлар, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар турғунлик, мутаассиблик, лоқайдликка қарши тобора фаол курашмоқдалар, айни вақтда энг илғор ғояларни тарғиб этиб, жамоатчилик фикрини уйғотмоқдалар.

Матбуот кунига, радио ва барча алоқа тармоқлари ходимлари кунига бағишлаб 4 май куни Тошкентда бўлган тантанали йиғилишда оммавий ахборот воситаларининг ана шу фазилатлари ҳақида гапирилди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдурахимов очди.

Бу ғал йиғилишни олиб боришнинг анъанавий тартибидан воз кечилди — одатдаги маъруза ўрнига Тошкент шаҳар партия комитети, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ижроия комитети, Ўзбекистон ССР Давлат матбуот комитети, Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети, Журналистлар уюшмаси, жумҳурият Алоқа министрлигининг раҳбарлари йиғилганларга мурожаат қилиб, уларни табрикладилар.

Йиғилишда қайта қуришнинг туб бурилиш босқичида оммавий ахборот воситалари бисотидаги ҳамма нарсалар шу кунининг вазифаларига, жамиятимизни жипслаштириш ишига жавоб бериш ёки бермаслигини чуқур таҳлил этиш зарурлиги таъкидланди. Матбуот, радио ва телевидение миллионлар фикрини ифодалаш учун берилган очиқ минбардир. Ҳозир, мамлакатда қизғин, бунёдкорлик ишлари кетаётган вақтда демократик ўзгартишларни кенгроқ кўрсатиш, партияга, жамиятга қайта қуришнинг мураккаб вазифаларини ҳал этишда фаол ёрдам бериш муҳимдир.

Бир группа ходимларга Ўзбекистон ССР Журналистлар уюшмаси, жумҳурият Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси, СССР ва Ўзбекистон ССР Алоқа министрликларининг мукофотлари тантанали вазиятда топширилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳ. Ҳамидов қатнашди.

6 май куни байрам тантаналари давом эттирилади. Шу куни К. Маркс ва С. Киров кўчаларида оммавий халқ сайиллари ўтказилади. Жумҳуриятимизнинг таниқли журналистлари билан учрашувлар бўлади, газеталар ва фотосуратлар кўргазмалари, редакциялар, нашриётлар, матбаачилар ва алоқачилар коллективлари фаолиятини акс эттирувчи стендлар ташкил қилинади.

(ЎзТАГ).

● Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бошқаруви секретариати 1989 йилги республика ижодий конкурсларига якун ясади.

Йилнинг энг яхши журналистик иши учун ўтказилган конкурсга кўра, қуйидагилар Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси мукофотининг лауреатлари бўлишди:

Носирова Қутби, «Муштум» журналининг мухбири, «Депутатлик мансаб эмас», «Осмондан чалпак кутиб» ва бошқа публицистик мақолалари учун;

Низонов Муротбой, Қорақалпоғистон телевиденнесининг муҳаррири, «Маурит» («Лаҳза») ахборот мусиқавий телевизион кўрсатуви учун;

Усмонов Ислом, «Ёш ленинчи» газетаси редакциясининг бўлим мудири, «Ҳақиқатни айтишдан чўчимайлик», «Йиллар ва тақдирлар», «Ҳақиқат чала бўлмайди», «Туҳмат» туркум ижтимоий очерклари учун;

Эргашев Алибой, Бахмал район «Ғалаба байроғи» газетаси (Жиззах области) бўлимининг мудири, «Давлат архивидан туркум хабарлар», «Ойқорликлар», «Бахмал воҳаси кишилари» туркум очерклари учун;

Ҳолматова Мукаррама, Ленинск шаҳар «Ленин йўли» газетаси (Андижон области)нинг ўз мухбири, **Зонрова** Сайёра, «Қашқадарё ҳақиқати» область газетасининг мухбири, қишлоқ меҳнаткашлари ижтимоий-маиший муаммолари тўғрисидаги туркум материаллари учун;

Жабборов Шуҳрат, «Қишлоқ ҳақиқати» — Сельская правда» газетасининг катта мухбири. «Қайта қуриш учун овоз берамиз» материаллар туркуми учун, **Жўраев** Ашурали Очилович, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бўлим мудири, санъат ва маданият тўғрисидаги муаммоли мақолалар туркуми учун.

Қуйидагилар Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг фахрий дипломлари билан мукофотландилар:

С. М. Аҳмедова, «Советская Бухара» область газетаси бўлимининг мудири;

Н. Жўраев, «Совет Ўзбекистони» газетасининг мухбири;

А. Исронлов, республика радиоси болалар ва ўсмирлар учун эшиттиришлар бош редакциясининг катта муҳаррири;

С. Д. Қорабоев, «Жиззах ҳақиқати» область газетасининг ўз мухбири;

З. Қуртнезиров, Чиноз район «Ленин байроғи» газетаси (Тошкент области)нинг муҳаррири;

А. Нуримов, «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газетасининг мухбири;

Л. Н. Орлова, «Правда Востока» газетасининг махсус мухбири;

О. В. Размоскин, «Ферганская правда» газетасининг катта мухбири;

А. Ш. Султонов, «Коммунист» область газетаси (Андижон области)нинг бўлим мудири ва **О. Шодмоналиев**, шу газетанинг мухбири.

* * *

Оммавий ишларни энг яхши йўлга қўйганлик учун М. И. Ульянова номли конкурсга кўра, Бекобод район «Коммунист» газетаси (Тошкент области) редакцияси коллективига биринчи мукофот; Пахтачи район «Пахтачи» газетаси (Самарқанд области) ва Бағдод район «Авангард» газетаси (Фарғонаси области) коллективларига иккинчи мукофотлар; Хива район «Коммунизмга» газетаси (Хоразм области), Қизилтепа район «Қизил тонг» газетаси (Бухоро области) ва кўп нусхали «Среднеазиатская магистраль» газетаси коллективларига учинчи мукофотлар берилди.

Фаол оммавий ишлар учун Избоскан район «Пахтакор» газетаси (Андижон области), Янгийўл район «Янгийўл» газетаси (Тошкент области), Марғилон шаҳар «Марғилон ҳақиқати» газетаси (Фарғона области) редакциялари коллективлари Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг фахрий дипломлари билан мукофотландилар.

* * *

«Иқтисодий ислоҳотга — матбуот эътибори!» шиори остида иқтисодиёт масалаларини энг яхши ёритиш конкурсига кўра, «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» — «Сельское хозяйство Узбекистана» журнали, «Правда Востока», «Совет Ўзбекистони» газеталари, «Ленинское знамя» (Сурхондарё области), «Ленин йўли» (Самарқанд области) область газеталари, Боғот район «Ленин йўли» газетаси (Хоразм области), Олтиариқ район «Пахта учун» газетаси (Фарғона области), кўпнусхали «Марғилон атласи» газетаси, Марғилон шаҳар «Марғилон ҳақиқати» газетаси (Фарғона области) редакцияларининг коллективларига мукофотлар берилди.

Иқтисодиёт масалаларини фаол ёритганлик учун «Муштум» журнали, Наманган область «Наманган ҳақиқати» газетаси, Балиқчи район «Ғалаба» газетаси (Андижон области) редакцияларининг коллективлари Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг фахрий дипломлари билан мукофотландилар.

* * *

Ҳарбий-ватанпарварлик мавзуини энг яхши тарзда ёритганлик учун конкурсига кўра «Ферганская правда» область газетасига биринчи, «Ёш ленинчи» газетаси ва Сурхондарё область «Ленин байроғи» газетасига иккинчи; Жомбой район «Шонли меҳнат» газетаси (Самарқанд области)га, Оржоникидзе район «Коммунизм тонги» газетаси, (Тошкент области)га ва Олтиариқ район «Пахта учун» газетаси (Фарғона области)га учинчи мукофот берилди.

Ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларини фаол ёритганлик учун «Правда Востока» газетаси, Сурхондарё область «Ленинское знамя» Самарқанд область «Ленинский пут» газеталари, Фарғона область телевидение ва радиоэшиттириш комитети, «Вечерний Ташкент» газетаси редакцияларининг коллективлари Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг фахрий дипломлари билан мукофотландилар.

* * *

«Самарали меҳнат ва соғлом турмуш учун» Бутуниттифоқ рейдини ёритишда қатнашганлик учун Китоб район «Ғалаба» газетаси, Шаҳрисабз район «Коммунизм байроғи» газетаси (Қашқадарё области), Чиноз район «Ленин байроғи» газетаси (Тошкент области), Жиззах район «Коммунизм сари» газетаси ва «Атлас» аврли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Марғилон атласи» кўп нусхали газетаси (Фарғона области) редакцияларининг коллективлари Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг фахрий дипломлари билан рағбатлантирилдилар.

ЖУРНАЛИСТЛАРГА—МУКОФОТЛАР

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

СССР Химия ва нефтни қайта ишлаш саноати министрлиги ССР Иттифоқи 60 йиллиги номли Ўзбекистон «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасининг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларини СССР орденлари ва медаллари билан мукофотлаш тўғрисида

Ишлатиш ва иқтисодий кўрсаткичлари юқори бўлган конструкцияларнинг ишланмаларини тайёрлаш ва уларни кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қўшган катта шахсий ҳиссаси учун қуйидаги ўртоқлар СССР орден ва медаллари билан **мукофотлансин:**

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Хазнаҳмедова Рамзия Ҳайдаровна — елимловчи.

Хайретдинов Исмет Шевкетович — ишлаб чиқариш бошлиғи.

ҲУРМАТ ОРДЕНИ БИЛАН

Барбарин Виталий Васильевич — бош энергетик.

III ДАРАЖА МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Муратова Фотима Усеиновна — елимловчи.

Муталимова Насиба Абдусатторовна — бичиқчи.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Редькин Василий Владимирович — слесарь.

Шоюсупов Баҳодир Шомуродович — бош директор ўринбосари.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИК УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Межитов Амет Сеярович — темирчи.

Турсунбоев Қўшмамбой Комилович — вулканизаторчи.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 4 май.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

АНДИЖОН, 3 май. (ЎзТАГ). Бугун область партия — хўжалик фаолларининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари Андижондаги аҳволни нормаллаштириш, жамоатчилик соғлом кучларини сафарбар этиш ва жипслаштириш, юзага келган вазиятни тушунтириш юзасидан область партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилдилар.

Область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Ҳ. Холмирзаев доклад қилди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимов нутқ сўзлади.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. Х. Жўрабеков, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ў. Қ. Исмоилов қатнашдилар.

ХОНАДОНИМИЗ ҲАМДАМИ, БЕМИННАТ СУҲБАТДОШ

Ҳаётимизни матбуотсиз тасаввур қилолмаймиз. У бизга сув ва ҳаводек зарур нарсага айланиб қолган. Агар тонгги газеталарни кўздан кечириб, янгиликлардан хабардор бўлиб олмасак, ўша кунни кўнглимиз жойига тушмайди, бир нарса етишмаётгандек туюлади. Хулласи, матбуот ҳар бир хонадоннинг ҳамдами, беминнат суҳбатдош ва маслаҳатгўй. Шунинг учун ҳам журналистларнинг касб байрами — 5 Май мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида нишонланади. Қайта қуриш, ошкоралик, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини демократиялаш даврида матбуотнинг роли, журналистнинг масъулияти янада ортди. Жумҳуриятимиз Президенти ўзининг биринчи мулоқотини журналистлар билан ўтказганлиги ҳам бежиз эмас.

Ҳозирги босқичда журналистларнинг сўзи ҳар қачонгидан ҳам жанговарлик касб этиб, мамлакатдаги яхши ўзгаришларда фаол иштирок этмоқда. Республикамизда айни вақтда 279 та республика, вилоят, шаҳар, район газеталари, 74 та номда кўп нусхали газета чиқиб турибди. Улар ўзбек, рус, қорақалпоқ, тожик, қозоқ, қрим татар ва бошқа тилларда чоп этилаётир. Бу газеталарнинг бир марталик тиражи жамлаганда 6,5 миллион нусхадан ортади. Шунингдек, жумҳуриятимизда бир неча ўнлаб журнал, турли бюллетенлар, йилига турли-туман номларда миллион-миллион нусхаларда китоблар нашр этилади.

Матбуот органлари тарихий ҳақиқатни тиклаш, қайта қуриш зарурлигини асослаб, уни олга бостириш, рўй бераётган кенг кўламли ижтимоий, иқтисодий ва маданиятга доир воқеаларни таҳлил этиш бораларида кўпгина ижодий ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Жумҳурият, вилоят ва район газеталари жамоатчилик фикрини уйғотиб, уни қайта қуриш ҳизматига қўймоқдалар, турғунлик, бепарволик, тўрачилик, лоқайдликка ўт очмоқдалар, илғор тажриба ва ғояларни тарғиб этмоқдалар. Шу боисдан матбуот сўзини ўткир қуролга айлантира олган журналистларнинг обрў-эътибори ортмоқда, халқ уларнинг чин сўзига, қалам кучига, принципал танқидда юз-хотирчиликка бормайдиган, меҳнаткашлар манфаатлари учун дадил курашчи эканликларига тобора ишонч ҳосил қилмоқда. Журналистлардан Номоз Саъдуллаев, Жаҳонгир Маматов, [«Совет Ўзбекистони»], Ҳалима Худойбердиева [«Саодат журнали] Карим Баҳриев [«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»], Абдусаид Кўчимов [«Ленин учқуни»], Вилор [Омонулло] Ниёзматов [«Советская культура» газетасининг Ўзбекистон ССР бўйича ўз мухбири], Дадахон Ёқубов, Ўрол Утаев, Раҳим Султонов, [Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттиришлари давлат комитети]ларнинг жумҳуриятимиз халқ депутатлигига сайланганликлари бунинг ёрқин далилидир.

Демократиялаш ва ошкоралик шарофати билан матбуот органлари халққа янада яқинлашди. Бу редакцияларга келаётган хатлар оқими ва оғзаки мурожаатлар тобора кўпаяётганлигида, уларда меҳнаткашлар долзарб социал-иқтисодий масалаларни ўртага қўяётганлигида, ҳато ва камчиликларга муросасизлик тоқат қилмаётганлигида ўз ифодасини топмоқда. Газеталар саҳифаларида «Менинг фикримча», «Шахсий мулоҳаза», «Халқ иродаси», «Таҳрирсиз хатлар», «Акс-садо», «Муросасизлар сигнали» «Газетхон таклиф қилади, масала қўяди, танқид қилади» каби ва бошқа янги рубрикалар пайдо бўлганлиги меҳнаткашлар хатларидан фойдаланишнинг самарали шаклларини излаш меваларидир. Отахон газета «Правда» ўз ўқувчилари билан мулоқотнинг янги шаклларини жорий қилаётганлигидан ибрат олиб Хоразмда «Совет Ўзбекистони» газетаси дўстлари боғи ташкил этилди. Бу ҳам газета ва унинг мухлислари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Боғда журналистлар ва ишчи-қишлоқ мухбирларининг, кенг жамоатчиликнинг учрашувлари ва сайлари бўлиб туради. Ташкил этила бошлаган газета редакцияси музейи «Совет Ўзбекистони»нинг тарихи ва бугунги ижодий ишларидан ҳикоя қилиб беради.

Совет матбуоти бешигини тебратган В. И. Ленин таъбири билан айтганда, оммавий ахборот воситалари социализм қуриш қуроли, бунёдкорлик ва мамлакатдаги ишлар аҳволи устидан умумхалқ назоратининг таъсирчан воситасидир. Шунинг учун ҳам партия ва халқимиз журналистлар меҳнатини қадрлайди, уларнинг жамиятни революцион янгилаш ишига қўшаётган ҳиссаларини муносиб баҳолайди. Матбуот куни байрами арафасида оммавий ахборот ва тарғибот воситаларининг бир гуруҳ қаламкашлари жумҳириятнинг фахрий унвонларига, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси мукофотларига сазовор бўлишди. Шунингдек, 30 дан ортиқ республика, вилоят, шаҳар, район ва кўп тиражли газеталар ҳамда журналларнинг коллективлари ҳам жумҳурият Журналистлар уюшмаси мукофотларини олишди. Бундай эътибор ва қадрлаш қаламкашлар масъулиятини янада оширади, уларни доимо изланишга, ижодкорликнинг барча имкониятларини ишга солишга даъват этади.

Матбуотнинг қайта қуришнинг ҳозирги палласидаги мураккаб, ғоят масъулиятли вазифалари КПСС Марказий Комитетининг «Правда» газетаси тўғрисида» яқинда қабул қилган қарорида аниқ-равшан белгилаб берилди. Унда уқтирилишича, бутун партия матбуоти ўз вазифасини бажариши учун ўзини-ўзи фаол қайта қуриши, догматик тафаккур элементларидан, сийқа усуллар ва расмиятчиликдан қатъиян воз кечиши керак. Янги типдаги матбуотнинг — халқ матбуоти ва халқ учун матбуотнинг, газетхонларнинг ишончига сазовор бўлган, улар билан халққа тушунарли тилда гаплашадиган эркин ва ҳаққоний, ҳалол ва ростгўй матбуотнинг ленинча қондаларини жонли, амалий мазмун билан тўлдириш зарур.

Журналистлар шуни доимо идрок этишлари керакки, газетхонлар матбуотимиздан тўғри сўзни, қайта қуриш тажрибасининг билимдонлик билан қилинган чуқур таҳлилини, эришилган ижобий силжишларга ҳам, шунингдек ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар, муваффақиятсизликлар, жамиятда ижтимоий кескинликни келтириб чиқараётган салбий ҳодисалар сабабларига берилган аниқ ва равшан жавобларини кутмоқдалар. Бундан матбуот ишига талабчанлик ҳозир янада ошиб кетганлиги кўриниб турибди.

Ҳозир партиявий матбуотнинг сиёсий саф-сатабозлик камроқ бўлсин, амалий иш кўпроқ бўлсин, омма жонли, аниқ мисолларда тарбиялансин, деган ленинча накази янада долзарблик касб этиб, зўр куч билан янграмоқда. Жумҳуриятимиз матбуоти бутун совет матбуоти сингари жамиятнинг барча соғлом кучларини қайта қуриш, КПСС Марказий Комитетининг съездолди Ҳаракат дастури негизида бирлаштириш ва жипслаштиришда фаол, ижодий, амалий роль ўйнаши лозим. Ҳақиқатни ва фақат ҳақиқатни ёзиш, КПСС йўлини, тубдан қайта қуриш ва янгиланиш сиёсатини сабот ва изчиллик билан ўтказиш коммунист журналистларнинг партиявий бурчидир.

КПСС XXVIII съездига тайёргарлик кун сайин қизғин тус олмоқда. Съездгача бутун партия матбуоти совет халқи ва партия босиб ўтган йўлни батафсил, чуқур таҳлил этишга, партия ташкилотлари олдида турган янги вазифаларни ҳал этишга фаол қўмаклашаётган ишини изчил олиб боришга даъват этилгандир. Яъни матбуот саҳифаларида умумпартия мунозараси, съездолди Ҳаракат дастури ва партиянинг янги Устави лойиҳалари муҳокамаси мақсад сари йўналтирилган ҳолда, теран мазмунда олиб борилиши керак.

Партиянинг инсон манфаатларини, унинг талаб ва эҳтиёжларини кўзлайдиган фаол ижтимоий сиёсатини турмушга тадбиқ этишга ҳар томонлама кўмаклашиш газета редакциялари ва журналистларнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бу мавзуни ёритишда ижтимоий адолат, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, унинг хилма-хил маънавий ва моддий эҳтиёжларини диққат марказида тутиш лозим. Лекин бундай олижаноб мақсадга ҳамма жойда ишни яхшироқ ташкил этиш, меҳнат унумдорлигини муттасил ошириш, ишга янгича муносабат асосидагина эришиш, ана шундагина ижтимоий-иқтисодий тарздаги талаблар қондирилишига имкон яратиш мумкинлигини ҳаётий мисоллар асосида меҳнатчиларга уқтириш зарур.

Сўз билан иш бирлиги, қабул қилинган қарорлар бажарилишини ошкора назорат остига олиш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ташкилотчилик ва сиёсий ишни меҳнат коллективлари фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилдириш, хўжалик механизми ва бошқарувни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги шаклларини оммалаштириш, иқтисодий тафаккурни ривожлантиришга кўмаклашиш матбуот мунтазам эътибор берадиган йўналишлардир. Бинобарин, партия матбуоти жамият маънавий турмушининг барча соҳаларини ривожлантириш ва поклашга кўпроқ ҳисса қўшиши, халқнинг интеллектуал, маданий имкониятларини намоён этиши ва кўпайтириши лозим. «Изланувчан ҳар бир кишини, ҳар бир новатор коллективни фаол қўллаб-қувватлаш, илғорларнинг тажрибасини кенг тарғиб қилиш билангина чекланмасдан, — деб таъкидланади «Правда» газетаси тўғрисидаги қарорда, — шу тажрибанинг тезроқ жорий этилишига ҳаракат қилиш, меҳнат коллективи турмушидаги зарур муаммолар ҳал этилишига бутун чоралар билан кўмаклашиш — матбуотнинг бурчидир».

Давлатимизнинг, шу жумладан кўпмиллатли жумҳуриятимизнинг келажаги жуда кўп жиҳатдан миллатлараро муносабатнинг қандай тарзда топишига боғлиқ. Бу ҳолат оммавий ахборот воситаларидан халқлар ва элатлар ривожланишининг, улар кечираётган кўп қирали турмушининг, барча шаклдаги миллатчиликка ва шовинизмга қарши фаол курашишнинг мураккаб муаммоларини ёритишга масъулият билан чуқур ёндашишни талаб қилади.

Газета партия комитетининг юз-кўзидир. Унинг жанговарлиги ёки журъатсизлиги тегишли партия комитетлари қилаётган раҳбарлик савиясига боғлиқдир. Улар редакция ижодий коллективига тўғри йўналиш, принципиал ва холис маслаҳатлар беришлари, аммо газета чиқаришнинг кундалик ишир-чиқирларига ҳадеб аралашмасликлари керак. Матбуотнинг адолатли, асосланган танқидий чиқишларини, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, редакция коллективларини ҳақиқий ижодий ишлар билан мустаҳкамлаш, уларнинг меҳнат ва яшаш шароитлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш партия комитетларининг бурчидир. Газетачиларга ҳурмат билан қараш, партия комитетлари ходимлари ўзларини журналистлар билан ўртоқ ва ҳамкасб деб ҳис этишлари редакция коллективларини янги-янги ижодий изланишларга рағбатлантиради.

Қадрли ҳамкасблар, газеталарнинг жамоатчи фаоллари, байрамингиз муборак бўлсин! Теран, саммий, ҳаққоний сўз билан жумҳуриятимиз меҳнаткашларини қайта қуриш йўлида самарали меҳнат қилишга илҳомлантиришда сизларга муваффақият, омад тилаймиз!

ҚУТЛАЙМИЗ

СССР Журналистлар уюшмаси бошқарувининг секретариати журналистика соҳасидаги энг яхши асарларни кўриб чиқди. Шунга мувофиқ бир гуруҳ қаламкашларга СССР Журналистлар уюшмасининг мукофотлари берилди.

Мукофотланганлар орасида «Правда востока» газетасининг муҳаррири Р. А. Сафаров ҳам бор. У миллатлараро муносабатлар муаммоларига доир мақолалари учун СССР Журналистлар уюшмаси мукофоти лауреати бўлди.

Биз Рубен Акопович Сафаровни ушбу юксак мукофот билан табриклаймиз.

УРТОҚ Ф. УМАРОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ» ФАХРИЙ УНВОНИГА ҲУҚУҚИНИ ТИКЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти И. А. Каримов Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг расмий илтимосномасини кўриб чиқиб, махсус Фармон билан Ўртоқ Фахриддин Умаровнинг «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвонига ҳуқуқини тиклашга қарор қилди.

БУГУН — МАТБУОТ КУНИ

ҲАҚҚОНИЙЛИК, ҲАЛОЛЛИК, РОСТГЎЙЛИК

Байрам арафасида мулоқот

Матбуот куни арафасида республикамиз рўзномаларининг муҳаррирлари ва муҳаррир ўринбосарлари билан учрашиб, дилдан суҳбатлашдик. Суҳбатимиз айни газета саҳифаланаётган маҳалда бўлди.

ИЗЛАНИШ ҚИРРАЛАРИ

Партия ва халқ—якдил

ВАЛЕРИЙ АЛТУНИН,
«Правда Востока» газетаси муҳаррири ўринбосарига савол:

— Ҳаётимиз турли воқеаларга бой. Жамиятимиз каби партиямиз турмуши ҳам янгиланиб бораётир. Сиз меҳнат қилаётган рўзнома қалам аҳли КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездига қандай тайёргарлик кўряпти?

— Газетамиз мазкур съездларга тайёргарлик кўрар экан, партиянинг КПСС XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва КПСС-нинг янги Устави лойиҳалари ҳақида имкони борича коммунистларнинг фикр-мулоҳазаларини кўпроқ беряпти. Бунда асосан редакцияга келаётган хатлардан тўла фойдаланишга, фикрлар хилма-хиллигини акс эттиришга ҳаракат қиляпмиз. Шу мақсадда «Мунозара минбари» рубрикаси остида мунтазам равишда мақола ва хат-хабарлар ёритиляпти.

«Съездга нималар билан боряпсиз?» рубрикаси остида эса Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегатларининг туркум мақолаларини бериш ниятидамиз. Рўзномамиз съездга тайёргарликка ҳам, уни ўтказиш жараёнига ҳам салмоқли ҳисса қўшишга аҳд қилган. Мазкур съездда бутун республикамиз коммунистлари ва меҳнаткашлари кўнглига маъқул тушадиган, улар бажонидил бажаришга киришадиган қарорлар қабул қилиниши тарафдоримиз.

Қардошлик—бош мавзу

ШАВКАТ НИЁЗОВ,
«Ҳақиқати Ўзбекистон» газетаси муҳарририга савол:

— Бирлашган ўзар, дейди халқимиз. Жумҳуриятимизда турли миллат вакиллари елкадош ва сафдош. Бу ҳақда фикрларингиз қандай?

— Республикамизда яшайдиган халқларнинг ўз она тилида газета ўқиши, радио тинглаб, «ойнаи жаҳон»ни кўриши яхши йўлга қўйилиб, беҳад қувонарли эзгу ишлар қилинмоқда. Ҳозир ўлкамизда тожиклар ғуж бўлиб яшайдиган 9 та район газетасининг бир саҳифаси тожик тилида чиқариляпти. Газетамиз ходимлари уларга амалий ёрдам кўрсатяпти. Самарқандда «Овози Самарқанд» вилоят газетаси чоп этила бошлади. Жумҳуриятимиз радиосининг тожикча эшиттиришлари кенгайди. Телевидение ҳам ҳар ойда бир марта тожик тилида бир соатли кўрсатувлар қилишни режалаштиряпти. Ҳозир тожик тилида кўплаб мактабларда дарслар олиб бориляпти. Эндиликда олий ўқув юртларида ҳам тожик тили факультетлари ва бўлимлари очиш муаммоси кўндаланг бўлиб турибди. Газетамиз шу каби масалалар билан бир қаторда республикамиздаги ўзбек, тожик, рус ва бошқа халқларнинг қардошлиги ҳамда дўстлиги мавзуини ҳам назардан қочирмаяпти.

Деҳқонларга имтиёзлар

НЕЪМАТ ЁҚУБОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» газетаси муҳаррири ўринбосарига савол:

— Ниҳоят, деҳқоннинг елкасига офтоб тегди. Унга томорқа учун ер берилди. Бу республика партия ва ҳукуматининг ғамхўрлиги ифодасидир...

— Саволингизни тушундим. Тўғри, деҳқонга уй-жой ва томорқа учун ер бериляпти. Аммо, очиғини айтганда республикамиз Компартияси Марказий Комитети ва ҳукуматининг бу жуда муҳим қарорини тўла бажаришга жойларда тўсиқ бўлаётган кучлар ҳам бор. Жойларда бу қарордан ўз манфаати йўлида фойдаланиб қолишга уринаётган катта-кичик раҳбар ва раҳбарчалар учраб турганлиги жуда афсусланарли ҳол. Уларни аёвсиз фош этиб туришимиз керак.

Кейинги пайтда СССР Олий Совети Ер, Ижара, Мулк ҳақида катта қонунлар қабул қилди. Шуларни биз деҳқонга кенгроқ ва чуқурроқ, жўнроқ шарҳлаб беришимиз лозим. Буларнинг барчаси қишлоқ жойларида ҳуқуқ билимларини кенг тарғиб этишни тақозо қилади. Рўзномамиз ана шуларни доимо эътиборда тутади.

Умуман, ўлкамизда деҳқончилик маданиятини юксалтириш, қишлоқдаги социал-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, турмуш маданиятини ошириш масалалари ҳам рўзномамизнинг энг муҳим йўналишларидан бўлиб қолаверади.

Орзуларимиз ушалади

НУЗЗЕТ УМЕРОВ,
«Ленин байрағи» газетаси муҳарририга савол:

— Ҳам муҳаррир, ҳам ёзувчи ва журналист сифатида сизни қрим-татар халқининг муаммолари ташвишлантириши, табиий. Шу хусусда нималар дейсиз?

— Миллий масала — жумҳуриятимиздаги қрим-татар халқи учун энг асосий масалалардан биридир. Биз кўпдан буён ўз она юртимизга қайтиб боришни орзу қиламиз. Бу орзуларимиз ушалай деб турибди. Июнь ойида СССР Министрлар Совети қрим татарларнинг Ватанига қайтиши муддатлари ва бу жараённи молиявий жиҳатдан таъминлаш ҳақида қарор ишлаб чиқиши керак. Афтидан келгуси йилдан Қримга ташкилий равишда кўчириш бошланади. Бу жуда катта гап, демократия ва ошкоралик шарофатидир.

Ҳозирги пайтда бизнинг муштарийларимизнинг ярми ҳам Қримдан. Шу боис рўзномамиз ҳам Қримдаги, ҳам Ўзбекистондаги қрим-татарларнинг ҳаётини ёритишга кенг ўрин беряпти.

Тарихга назар ташласак, ўзбек ва қрим татар халқларининг дўстлик ва қардошлик ришталари илдизи жуда чуқур. У асрларга бориб тақалади. Ўйлаймизки, бу дўстлик ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкам ва абадий бўлади.

Эркин ҳаракат

ЖАББОР РАЗЗОҚОВ,
«Ёш ленинчи» газетаси муҳарририга савол:

— Муштарийлар орасида рўзномангиз обрўси ошаётганлиги тўғрисида икки оғиз гапириб берсангиз?

— Аввало, редакцияда ижодий муҳит яратишга катта эътибор бердик. Корректор, оддий мухбирдан тортиб, муҳарриргача ҳаммани эркин ҳаракат қилиш, фикр-мулоҳазаларни ҳайиқмай, дадил билдиришга одатлантирдик. Энг мақбул ғоя, фикр-мулоҳаза ва таклифни танлаб олишга ўргандик.

Газетамизни баҳорги сархил мевага қиёс қилгим келади. Кўпгина мақолаларни газетхонга эскиртмай, ўз вақтида етказиб бериш лозим. Акс ҳолда уриниб қолган мевага ўхшаб, уларнинг кераги бўлмай қолади, аҳамияти, қадри тушиб кетади. Инқилобнинг дастлабки йилларида бўлгани каби ҳозир ҳам рўзномаларнинг ҳозиржавоблик хусусияти биринчи ўринга чиқяпти. Шу боис ҳам биз имкони борича халқимизнинг дардини ифодалашга, бугунги воқеаларни ёритишга, комсомол ёшлар ҳаётидаги ҳозирги чуқур ва мураккаб ўзгаришларни акс эттиришга интиляпмиз.

Келгусида «Комсомольская правда» билан ҳамкорлигимизни давом эттириб, унинг ўзбекча таржимасини илова тарзда чиқариш ниятидамиз.

Рўзнома қиёфасига эътибор

АЛЕКСАНДР ПУКЕМОВ,
«Комсомолец Узбекистана» газетаси муҳарририга савол:

— Рўзномангизни муштарийлар кўплаб нашрлар орасидан ҳам бир қарашдаёқ топиб олишади. Газета техникаси ва уни безаш маданиятини оширишга қандай эришяпсизлар?

— Аввало, Иттифоқимиз, жумҳуриятимиздаги барча газеталарни, қолаверса, Англиянинг «Таймс», Американинг «Гарден», Франциянинг «Юманите» газеталарини ҳам диққат билан кузатиб борамиз. Тўғридан-тўғри тақлид қилиш эмас, балки улардан ниманидир ижодий тарзда ўрганишга интиламиз.

Газетанинг қиёфаси муштарийларимизга маъқул бўлаётган бўлса, бундан беҳад мамнунмиз. Бироқ рўзнома шаклига эътибор бериш билан бир қаторда мазмунини ҳам назардан қочираётганимиз йўқ. Жумҳуриятимизда юзага келаётган ҳозирги вазиятда унда яшаётган барча миллатлар фикр-ўйлари, анъаналари, урф-одатларини ифодалашга ҳаракат қиляпмиз. Масалан, «Рождество» байрамини кенг ёритганимиздек яқинда мусулмон ҳайитидан ҳам фоторепортаж бердик. Бундан ташқари Шарқ шеърияти антологиясидан парчалар беряпмиз. Ниятимиз муштарийларда Шарқнинг классик шоирларига қизиқиш уйғотишдир.

Мулоқотни «Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари О. НАЗАРОВ ва Ҳ. СУЛТОНОВ олиб борди.

● Газетхонлар матбуотимиздан тўғри сўзни, қайта қуриш тажрибасининг билимдонлик билан қилинган чуқур таҳлилини, эришилган ижобий силжишларга ҳам, шунингдек ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларнинг, муваффақиятсизликларнинг, жамиятда ижтимоий кескинликни келтириб чиқараётган салбий ҳодисаларнинг сабабларига берилган аниқ ва равшан жавобларни кутмоқдалар.

● Ҳақиқатни ва фақат ҳақиқатни ёзиш, КПСС йўлини, тубдан қайта қуриш ва янгилаш сиёсатини сабот ва изчиллик билан ўтказиш — коммунист журналистларнинг, мамлакат партия нашрлари барча ходимларининг партиявий бурчидир.

(КПСС Марказий Комитетининг «Правда» газетаси тўғрисида»ги қароридан).

✻

Ҳарф терувчи— Ўзбекистон ССР халқ депутати

● Меҳнат қилган элда азиз дейди халқимиз. Ҳарф терувчи Ҳикоят Суннатова ўз бахтини меҳнатдан топганлардан бири. У Фориш район босмахонасида ишлайди. Суратда: Ҳ. Суннатова (чапда) С. Эгамова билан мулоқотда.

Суратқаш **Н. МУҲАММАДЖОНОВ.**

✻

МАСЛАКДОШ ВА КЎМАКЧИ

● ХАЛҚЧИЛЛИК ВА ТАЪСИРЧАНЛИК ЙЎЛИДА

● МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР — МУҲИМ МАВЗУ

● РЎЗНОМАЛАРДА ЯНГИ РУБРИКАЛАР

ПАРТИЯ органлари матбуотнинг қудрати халқчиллиги ва таъсирчанлигини доимо юксак қадрлаган ва унга таяниб келган. Жумладан, вилоятимиз партия комитети ҳам оммавий ахборот ва тарғибот воситаларини салбий ҳолатларга муросасиз бўлган умумпартиявий нуқтаи назарнинг ифодаси деб билиб, уларга раҳбарликни такомиллаштириб бормоқда. Зеро, бир-бирини тушуниш ва ўзаро ҳамкорлик долзарб муаммолар ечимига йўл топиб бериши аёндир.

Самарқанд матбуотининг ўзига хос анъаналари мавжуд. Айниқса, байналмилаллик унинг қон-қонига сингиб кетган. Асримиз бошида пайдо бўлган «Самарқанд» рўзномаси Зарафшон воҳаси халқини ўзаро жипсликка, инқилобий ҳаракатга чорлаган эди. Рўзноманинг биринчи муҳаррири ва ношири, толмас инқилобчи, оташин публицист М. В. Морозов бўлган. Лекин унинг маслакдошлари, сафдошлари орасида ўзбек, тожик, татар, яҳудий зиёлилари, маърифатпарвар эронийлар ҳам бор эдилар. Зотан, матбуотимизнинг бугунги кунини ҳам халқларнинг ана шундай иноқлиги, дўстлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Аёнки, матбуот ижтимоий воқелик ичида яшайди ва аввало кишиларда ана шу ҳодисаларга муносабат уйғотади. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, кўпмиллатли вилоятимизда миллий муносабатларга ёндашув масаласи долзарб бўлиб турибди. Мазкур соҳада амалга оширилаётган эзгу ишлар матбуот учун алоҳида мавзуга айланяпти. Мисол учун, Самарқандда корейслар, тожиклар, эронийлар миллий-маданий марказларининг очилишини жамоатчилик жуда яхши кутиб, олди. «Самарқанд», «Боғишамол» хабарномалари бевосита зиёлиларнинг ташаббуси билан ўзбек, тожик ва рус тилларида чоп этилмоқда. Шу йилнинг февралидан бошлаб обуначилар тожик тилида чоп этилаётган «Овози Самарқанд» вилоят рўзномасини ола бошладилар. «Зарафшон» (Каттақўрғон) рўзномаси ўзбек ва рус, «Октябрь алангаси» (Ургут) ҳамда «Шарқ тонгги» (Самарқанд районы) рўзномалари ўзбек ва тожик тилларида босилмоқда. Вилоят радиоси ҳар куни тўрт тилда эшиттиришлар олиб бораётир.

Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши жумҳуриятимиз ҳаётида катта воқеа бўлди. Матбуот ходимлари ушбу муҳим ҳужжатнинг юзага келишида қанчалик ғайрат кўрсатган бўлсалар, унинг ижроси учун ҳам шунчалик куюнчаклик қилишяпти. Аммо биз ҳозирча бу борадаги ишларимиз билан мақтана олмаймиз. Гарчи вилоят рўзномаси Қонуннинг амалга оширилиши борасидаги муаммолар ҳақида бонг ураётган бўлса-да, районларда бундай дадиллик, жанговарлик кўзга ташланмаяпти. Айрим раҳбарлар эса қонунинг ижросидан ўзларини четга олиб юришибди. Вилоят партия комитети ҳозир райжрокомлар қошида тузилган топономика ва тил масалалари билан шуғулланувчи комиссиялар фаолиятини кучайтириш чораларини кўряпти. «Ленинский путь» рўзномасида «Ўзбек тилини ўрганамиз», «Ленин йўли» рўзномасида эса «Ўзбекча янги атамалар, иборалар» рубрикаларини очиш ниятидамиз.

Ҳозирги шароит барча ижтимоий кучларнинг фаолиятини бир мақсадга йўналтиришни тақозо этади. Шунинг учун ҳам вилоятда чиқадиган 14 та район ва 4 та кўп нусхали газеталар мазмуни вилоятдаги муҳим йирик муаммоларни ҳал этишга қаратилган. Бироор долзарб масала кўтарилгудек бўлса, дарҳол матбуот конференцияси ўтказамиз. Кейинги пайтда журналистларнинг вилоят партия ташкилоти раҳбари билан учрашуви, олимлар, мутахассислар иштирокида давра суҳбатлари уюштирилди.

Мана икки йилдирки, район рўзномаларининг аксарияти вилоят марказида офсет усулида босиляпти. Очиғи, бу усулда рўзномаларни техник жиҳатдан безаш имкониятлари кенгайди, чиройли чиқадиган бўлди. Аммо улар вақтли матбуот учун энг зарур хусусият — ҳозиржавобликдан маҳрум бўлдилар. Бунинг асосий сабаби фотойғув алоқа йўлларининг яхши ишламаётганлигидадир. Умуман, алоқа хизмати матбуотчилар олдида қарздор, деб ҳисоблаймиз. Чунки матбуот нашрлари обуначиларга жуда кеч етказилади. Ҳатто марказий ва жумҳурият нашрларини ҳам куннинг иккинчи ярмида оламиз. Қишлоқ жойларига эса улар эртаси куни етиб боради. Бу масала устида жиддийроқ ўйлаб кўриш керак.

Партия ташаббуси билан бошланган қайта қуриш ҳаракатининг беш йили ортда қолди. Ҳозирги мураккаб шароитда кишиларда бу сиёсат тақдирига нисбатан муносабат қатъий тус олмоқда. Одамлар ўз муносабатларини аниқ-равшан ифода этяптилар. Матбуотимиз бундан буён ҳам партиянинг яқин маслакдоши, халқимизнинг дарду-ўйлари ифодачиси, кўмакчиси бўлиб қолишини истардик.

Б. ЎРДАШЕВ,
Самарқанд вилоят партия комитети мафкура бўлимининг мудири, фалсафа фанлари номзоди.

● КЎПНИ КЎРГАННИНГ АЙТГАНЛАРИ
● МУСИҚА ФИДОЙИСИ — МУҲБИР

ЎЗИ ВА СЎЗИ АЗИЗ

Кексалар хотира сўзлайди, дейдилар. Бу гап замирида ҳақиқат бор. Хотирани кўпни кўрган сўзлайди. Шунга бир мисол. 1988 йилнинг 21 июнида «Совет Ўзбекистони» 70 ёшга тўлди. Номаълум сабабга

кўра бу қутлуғ сана расман нишонланганн йўқ. Бироқ редакция таҳрир ҳайъати қараб турмади. Рўзнома фаолиятида хизмати синган ҳамдастларини унутмади.

Орадан уч-тўрт кун ўтмай, жойлардан қўнғироқлар бўла бошлади. Самарқанддан Латиф Эргашев қуйидагиларни таъкидлади:

— Жўрахон укам, анув гапни яна такрорланг...

Бу — буйруқ эмасди. Бу — 1950—1980 йиллар орасида редакциямизнинг Бухоро ва Самарқанд областлари бўйича ўз мухбири бўлиб ишлаган, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, ҳозир эса пенсионерлик гаштини сураётган тажрибали журналист кайфиятининг баландлигидан нишона эди.

Мен ҳам кўп таранг қилмай:

— Рўзномада жой танқис, лекин сиз берадиган мақолага жой олиб қўйганмиз,—деган одатий нақлимизни такрорладим. Шунда Латиф ака хандон ташлаб кулди.

Ҳа, Латиф Эргашев сўзига ҳамиша маҳтармиз. Чунки у оз ва соз ёзади. Биз каби таҳрир чиларни кўп уринтирмайди.

* * *

Нусрат Иноқов эса — асли Андижондан. Мусиқа фидойиси. Тошкентга бот-бот қатнайди, бироқ сира қуруқ келмайдиганлар тоифасидан. Гоҳ ҳабар, гоҳ мақола кўтариб, «Совет Ўзбекистони» газетасидаги ҳар бир хонага кириб чиқади, ҳазил-мутойиба билан кўнгилларни овлайди. Қисқаси, Нусрат ака газетамизнинг дўсти бўлиб, мақолаларини зудлик билан чиқариш биздан-у, ўз сафдошлари билан келиб, байрам сайилларини қизитиш, ҳаммамизни хушнуд этиш ундан.

Нусрат аканинг редакциядан хурсандлигининг бошқа яна бир сабаби бор. Газетанинг жамоатчи мухбирига унвон бериш керак бўлиб қолганида, редакция таҳрир ҳайъати бир овоздан унинг номзодини муносиб кўриб, Нусрат Иноқовни «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонига тавсия этган, деб айтишади ҳамкасбларим.

Жўра ХОЛҚОСИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» газетаси бўлим мудири.

ЯНГИЛАНИШ НАФАСИ

Узоқ йиллар матбуот соҳасида ишлаб ҳозир қарилик гаштини сурмоқдаман. Асосий вақтим газета-журналларни мутолаа этиш билан ўтади. Уларни ўқиш эса кейинги йилларда тобора мароқли бўляпти.

Вақтли матбуотнинг янги сонлари билан танишишни доимо севимли газетам «Совет Ўзбекистони»дан бошлайман. Ошкоралик хосияти билан жумҳуриятимизнинг асосий газетаси республика ҳаётида ўзига мўносиб ўрин топганлиги қониқиш туғдиради. Унинг саҳифаларида босилаётган хат-хабар ва мақолаларда жумҳуриятимиздаги инқилобий янгиланиш нафаси сезилмоқда.

Бугун қадрдон ҳамкасбларим, кўп сонли газета фаолларини матбуот байрами билан табриклар эканман, уларга ижодий баркамоллик, қайта қуриш ва янгиланиш йўлидаги курашларида қатъият тилайман!

Абдулла МУМИНОВ,
Улуғ Ватан уруши иккинчи группа ногирони, матбуот ветерани.

КОРХОНА ГАЗЕТАСИ МУҲАРРИРИ

Мана, қўлимда Ф. Хўжаев номли пойабзал фабрикаси «Обувщик» кўп тиражли газетасининг навбатдаги 1000-сони. Газетадаги мақола ва хабарлар ўзбек ва рус тилларида босилган. Оддийгина кўринган бу газетани тайёрлаш ташвишлари бир олам. Буни шу соҳада ишлаган одамгина билади. Надежда Гавриловна мана шу газетада 27 йилдан буён самарали меҳнат қилиб келади.

Ҳа, тақдир тақозоси билан кўп йиллар муқаддам у бизнинг юртимизга келиб қолган. Ўша пайтларда Н. Лазарева ёшгина қизча эди. Қўққисдан бошланган уруш совет халқининг тинчини бузди. Улар оилада 10 фарзанд эдилар. Украинада давом этаётган уруш ва очлик балоси туфайли катта оила Қозоғистоннинг «Куророт Боровое» станциясига кўчиб келиб, ўша ерда яшай бошлайди. Қўлидан иш келиб қолган акаси Ватан учун жангга кетади, дадаси эса касалманд. Ҳамма нарса ёлғиз онасининг зиммасига юкланади. Кўп ўтмай, улар оталаридан айриладилар. Қисқаси Надежданинг болалиги оғир йилларда ўтди. Урушга кетган акаси ҳам қайтмади...

Узининг тиришқоқлиги ва қобилиятлилиги билан ажралиб турувчи Надежда кўп ўқир, ўз устида қаттиқ ишларди. Кейинчалик у Олмаота давлат дорилфунунининг журналистика факультетига ўқишга киради. Оиланинг моддий аҳволи яхши бўлмаганлиги учун ўқишни ишдан ажралмаган ҳолда давом эттиради. Қараганда шаҳар комсомол комитетида сектор мудири вазифасида ишлайди.

Надежда меҳнат отпускаси чоғида Тошкентда яшайдиган опасиникига келади. Шаҳарни томоша қилиб юриб «Комсомолец Узбекистана» газетаси редакциясига бирров киради. У кичикроқ топшириқ олиб, ажойиб мақола ёзиб келади.

Кўп ўтмай, Надежда «Комсомолец Узбекистана» газетаси редакциясидан ишга келишини сўраб ёзилган таклиф хати олди. Шу таклиф туфайли у 1956 йилда Тошкентга келди ва мухбирлик фаолиятини ана шу газетада давом эттирди. Орадан йиллар ўтиб, уни пойабзал фабрикасининг «Обувщик» газетасига муҳаррир қилиб ишга юборадилар.

СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси, тажрибали қаламкаш, фаол коммунист Надежда Лазарева шу йил қутлуғ 55 ёшини нишонлайди. У кўплаб қаламкашларнинг устози ҳамдир. ТошДУ журналистика факультетининг у мураббийлик қилган бир қанча талабалари ҳозир турли газета ва журналларда самарали ижод қилишмоқда.

— Ўзим асли украин қизиман, — дейди Надежда опа. — Тақдир тақозоси билан шунча умрим Ўзбекистонда ўтишини тасаввур ҳам қилмагандим. Ажойиб ўзбек халқи билан ҳамнафас бўла олганимдан шодман.

Ф. ТОЖИҚОЕВА.

УСТОЗ ЎГИТЛАРИ

«Бухоро ҳақиқати» вилоят газетаси журналистлари ҳали-ҳали устозлари Нусрат Ашуров ўгитларига амал қилишади. 20-йилларнинг ўрталарида ишчи мухбирликдан вилоят газетасига ишга келган бу йигит тез орада салоҳияти, ўткир қалами билан жумҳуриятимизда шуҳрат қозонди. Унинг қаламига мансуб бўлган «Бир ўликдан икки авлиё» сарлавҳали фельетон вилоят газетасида эълон қилинганидан кейин Урта Осиё ва Қозоғистоннинг барча оммавий ахборот воситаларида кўчириб босилди.

30-йилларда Нусрат Ашуров Урта Осиё телеграф агентлиги — САТАССнинг Бухоро вилояти ўз мухбири, «Қизил Ўзбекистон» газетасининг махсус мухбири вазифаларида ишлаб ижодий камолотга эришди. Унинг фельетонлари турли газеталарда «Нур», «Дангаса», «Н. А.», «А-Ли» ва бошқа кўпдан-кўп тахаллуслар билан мунтазам босилиб турди.

Жумҳуриятда хизмат кўрсатган маданият ходими Нусрат Ашуров ҳаётининг сўнгги йилларида яна қадрдон «Бухоро ҳақиқати» редакциясига қайтди. Унинг мураббийлиги остида редакцияда журналистика мактаби фаолият кўрсата бошлади. Мазкур сатрлар муаллифи унинг шогирдларидан бири эканлиги билан фахрланади.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ҚОНУНИ

ССР Иттифоқи билан федерация субъектлари ўртасидаги ваколатларни фарқлаш тўғрисида

1-модда. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи суверен социалистик федератив давлатдир. ССР Иттифоқи федерация субъектлари биргаликда ССР Иттифоқи ихтиёрига берган ваколатларга эгадир.

Иттифоқдош республикалар — суверен Совет социалистик давлатлар бўлиб, улар ихтиёрий равишда, халқларнинг ўз тақдирини ўзи эркин белгилаши ва тенг ҳуқуқлилиги асосида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига бирлашганлар. Иттифоқдош республикалар ўз территорияларида, улар ССР Иттифоқи ихтиёрига берган ваколатлардан ташқари, тўла давлат ҳокимиятига эгадирлар.

Автоном республикалар совет социалистик давлатлар бўлиб, федерация — ССР Иттифоқининг субъектларидир. Автоном республикалар, автоном тузилмалар халқларнинг ўз тақдирини ўзи эркин белгилаши асосида иттифоқдош республикалар таркибига кирадилар, ўз территорияларида, улар ССР Иттифоқи билан иттифоқдош республикалар ихтиёрига берган ваколатларидан ташқари тўла давлат ҳокимиятига эгадирлар.

Автоном тузилмалар, автоном тузилмалар билан таркибига улар кирган иттифоқдош республикаларнинг муносабатлари ССР Конституцияси, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг конституциялари ва ушбу Қонун доирасида тузиладиган битимлар ва шартномалар билан белгилаб қўйилади.

2-модда. Ҳар бир иттифоқдош республиканинг ССРдан чиқиш ҳуқуқи сақланиб қолади. Иттифоқдош республиканинг ССРдан чиқиши тўғрисидаги қарор иттифоқдош республика халқларининг референдум (халқнинг овоз бериши) йўли билан ўз иродасини эркин ифодалаши натижасида қабул қилинади.

Иттифоқдош республиканинг ССРдан чиқиши билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш тартиби ССР Қонуни билан белгилаб берилади.

3-модда. Иттифоқдош, автоном республиканинг, автоном тузилманинг территорияси уларнинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас.

Иттифоқдош республикалар ўртасидаги чегаралар уларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин ва ССР Иттифоқи томонидан тасдиқланиши керак.

Иттифоқдош республикалар ўртасидаги, иттифоқдош ва автоном республикалар, автоном тузилмалар ўртасидаги территориал низолар хусусида ўзаро битишувга эришилмаса, бу низолар ҳал этиш учун ўзаро келишувга мувофиқ, ССР Олий Советининг миллатлар Советига топширилиши мумкин.

4-модда. Иттифоқдош, автоном республика, автоном область, автоном округ ишлаб чиқариш ва хўжалик объектларини жойлаштириш масалаларини мустақил ҳал қиладилар, ўз территорияларида унда яшовчи барча халқларнинг манфаатларини ҳисобга олиб, комплекс иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожланишни таъминлайдилар. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва турмуш муҳитини муҳофаза қилиш масалалари юзасидан республикалар ССР Иттифоқига ва бошқа иттифоқдош, автоном республикаларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг фаолият шароитини ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республика қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилаб берадилар.

Автоном республика иқтисодий ва ижтимоий-маданий қурилиш соҳасида иттифоқдош республика қандай ҳуқуқларга эга бўлса, худди шундай ҳуқуқларга эгадир, улар ўртасидаги битимга мувофиқ иттифоқдош республика ихтиёрига берилган ҳуқуқлар бундан мустаснодир.

Иттифоқдош, автоном республикалар, автоном тузилмалар ўзаро иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳамкорлик қилишлари ҳамда бунинг учун икки томонлама ва кўп томонлама зарур битимлар тузишлари мумкин, бу битимлар ССР Иттифоқи, бошқа иттифоқдош, автоном республикалар, автоном тузилмалар манфаатларига зид бўлмаслиги лозим.

5-модда. Иттифоқдош республика чет давлатлар билан муносабат ўрнатиш, улар билан шартнома тузиш, ўзаро дипломатия ва консуллик ваколатхоналари очиш, ташқи иқтисодий алоқаларни амалга ошириш ва халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқига эгадир.

Иттифоқдош республиканинг бу ҳуқуқини амалга ошириш ССР қонунларига ва ССРнинг халқаро мажбуриятларига зид бўлмаслиги керак.

6-модда. Қуйидагилар бевосита Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг давлат ҳокимияти ва бошқарув олий органлари ихтиёрига бериб қўйилган:

1) ССР Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, ССР Иттифоқи ваколатларига тааллуқли масалалар юзасидан референдумлар ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2) ССР таркибига янги иттифоқдош республикаларни қабул қилиш, янги автоном республикалар, автоном областлар ва автоном округлар тузилганлигини ҳамда мавжудларининг мақомини ўзгартирилганлигини тасдиқлаш;

3) Иттифоқдош республикалар ўртасидаги, иттифоқдош ва автоном республикалар, автоном тузилмалар ўртасидаги низоларни улар мазкур масала юзасидан ССР Иттифоқи идораларига мурожаат қилган тақдирда ҳал этиш;

4) ССР Давлат чегарасини ва унинг режимини белгилаш;

5) ССР Иттифоқи давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиб туриш;

6) иттифоқ бюджетини тузиш, тасдиқлаш ва ижро этиш, ССР давлат банклари системасини, ягона пул системасини, умумиттифоқ солиқлари ва йиғимларини белгилаш;

7) мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини ишлаб чиқиш, умумиттифоқ программаларини тузиш ва амалга ошириш;

8) ССР Иттифоқи томонидан чет давлатларга давлат йўли билан қарз ва иқтисодий ёрдам бериш, ССР Иттифоқи чет эллардаги манбалардан оладиган давлат қарзлари ва кредитлар тўғрисидаги битим тузиш;

9) темир йўл, ҳаво, денгиз ва магистрал қувурлар транспортини, мудофаа объектларини, космик тадқиқотларни, ССР Ягона энергетика системасини, алоқа ва ахборот Умумиттифоқ системаларини, шунингдек ССР Иттифоқи қонунларига ҳамда ССР Иттифоқи билан иттифоқдош республикалар ўртасидаги битимларга мувофиқ умумиттифоқ давлат мулкига кирувчи объектларни бошқариш; парчаланувчи материалларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш;

10) ССРнинг ташқи сиёсатини белгилаш ва ССРнинг халқаро шартномаларини тузиш, халқаро муносабатларда ССР вакили сифатида иш олиб бориш;

11) сулҳ ва уруш масалалари, ССРнинг суверенитети ва территориал бутунлигини ҳимоя қилиш, ССР давлат чегарасини қўриқлаш, божхона территорияси, бож пошлиналари ва бож йиғимлари бирлиги асосида божхона ишини ташкил этиш принципларини белгилаш;

12) мудофаани ташкил этиш, ССР Қуролли Кучларига, чегара, ички ва темир йўл қўшинларига раҳбарлик қилиш, ССРнинг давлат хавфсизлигини таъминлаш;

13) ССР Иттифоқи судларини тузиш, ССРда прокурор назорати ягона системасини ўрнатиш.

7-модда. ССР Иттифоқининг ушбу Қонун 6-моддасида кўзда тутилган ваколатлари федерация субъектларининг розилигисиз кенгайтирилиши мумкин эмас.

8-модда. ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг биргаликда олиб борадиган ишлари соҳасида қуйидагилар ССР Иттифоқи олий давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига берилади:

1) совет гражданлари ҳамда уларнинг ижтимоий уюшмалари ҳуқуқий ҳолати асосларини белгилаш, ССР гражданлари қаерда яшашларидан қатъи назар уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш;

2) автоном республикалар, автоном тузилмалар, шунингдек миллий маъмурий-территориал бирликларнинг ҳуқуқий ҳолати умумий асосларини белгилаш; иттифоқдош ва автоном республикалар, автоном тузилмалар ўртасидаги ваколатларни фарқлаш; маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжаликни ташкил этиш умумий асосларини белгилаб бериш;

3) гражданлик, ер, ўрмон, сув, кон, жиноий, жиноий-ижро, молия, меҳнат қонунлари асосларини, ижтимоий таъминот, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик, суд тузилиши ва судлов тўғрисидаги қонунларни белгилаб бериш;

4) Умумиттифоқ бозори амал қилишини ҳамда барча республикалар манфаатларини кўзлаб уни ҳимоя қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий асосларни белгилаш;

5) умумий молия — кредит сиёсатини ва нарх белгилаш асосларини аниқлаб бериш;

6) меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги сиёсатнинг умумий асосларини белгилаб қўйиш;

7) маданият ва маорифни, илмий-тадқиқотлар ва фан-техника тараққиётини йўналтириб, мувофиқлаштириб ва рағбатлантириб бориш;

8) жамоат тартибини сақлашга ва жиноятчиликка қарши курашга умумий раҳбарлик қилиш;

9) иттифоқдош республикаларнинг чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабатларининг умумий тартибини белгилаб бериш, ташқи иқтисодий фаолиятга умумий раҳбарлик қилиш;

10) ССРдаги хорижий гражданлар ва гражданлиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаб бериш;

11) ССРнинг бутун территориясида ССР Конституциясига риоя этилишини таъминлаш.

9-модда. ССР Иттифоқи иттифоқдош республика билан битим тузиш орқали унга ССРнинг айрим ваколатларини шу республика территориясида амалга оширишни топшириши мумкин.

Иттифоқдош республика ССР Иттифоқи билан битим тузиш орқали ўзига тегишли айрим ваколатларни ССР Иттифоқи ихтиёрига топшириши мумкин.

10-модда. ССР Иттифоқи билан иттифоқдош республикаларнинг биргаликда олиб борадиган соҳасига тааллуқли у ёки бу масала ССР Қонуни билан ҳал этилмаган тақдирда иттифоқдош республика тегишли соҳадаги муносабатларни Қонун йўли билан мустақил равишда тартибга солишга ҳақлидир. Бунда автоном республикалар ва автоном тузилмалар ихтиёридаги масалалар улар билан келишилган ҳолда тартибга солинади.

11-модда. ССР Конституцияси, ССР қонунлари, ССР давлат ҳокимияти ва бошқарув олий органларининг бошқа ҳужжатлари ССРнинг бутун территориясида ижро этилиши шарт. Иттифоқдош, автоном республика конституциялари ССР Конституциясига зид бўлган ҳолларда ССР Конституцияси амал қилади. Иттифоқдош ва автоном республикалар қонунлари ҳамда уларнинг давлат ҳокимияти олий органларининг бошқа ҳужжатлари ССР Конституциясига, ССР қонунларига ва ССР давлат ҳокимияти олий органларининг бошқа ҳужжатларига зид бўлган ҳолларда ССР Иттифоқининг тегишли органлари чиқарган ҳужжатлар амал қилади.

ССР қонунлари ҳамда ССР идораларининг бошқа ҳужжатлари фақат ССР Иттифоқи ваколатлари доирасида чиқарилади ва иттифоқдош, автоном республикаларнинг ҳуқуқларини бузмаслиги керак.

12-модда. ССР ва иттифоқдош, автоном республикалар давлат ҳокимияти ва бошқарув олий органлари ўртасидаги уларнинг ҳужжатлари қонунийлиги ёки қонуний эмаслигига доир келишмовчиликлар ССР Конституциясида ва ССРда Конституцион назорат тўғрисидаги Қонунда белгилаб қўйилган тартибда кўриб чиқилади.

13-модда. Иттифоқдош, автоном республикалар давлат ҳокимияти олий органлари ССР Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишлари иттифоқдош, автоном республикаларнинг ҳуқуқларини бузган тақдирда, уларга нисбатан норозилик билдиришга ҳақлидирлар. Низоли масалалар ССР Олий Совети томонидан ҳал этилади.

Иттифоқдош, автоном республикалар давлат ҳокимияти ва бошқарув олий органлари ССР министрликлари, давлат комитетлари ва идораларининг ҳужжатлари ССР қонунларини ёки тегишли иттифоқдош, автоном республика қонунларини бузган тақдирда бу ҳақда ССР Министрлар Советини хабардор қилиб, ўз территорияларида уларнинг амал қилишини тўхтатиб қўйишга ҳақлидирлар. Низоли масалани, агар ССР тегишли органи ҳужжатининг амал қилиши иттифоқдош, автоном республика Олий Совети томонидан тўхтатиб қўйилган бўлса ССР Олий Совети, агар ССР тегишли идораси ҳужжатининг амал қилишини иттифоқдош, автоном республика Министрлар Совети тўхтатиб қўйган бўлса — ССР Министрлар Совети ҳал қилади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 26 апрель.

ССР Олий Советининг қарори

«ССР ИТТИФОҚИ БИЛАН ФЕДЕРАЦИЯ СУБЪЕКТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ВАКОЛАТЛАРНИ ФАРҚЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ССР ҚОНУНИНИ КУЧГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

ССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. ССР халқ депутатлари иккинчи Съездининг 1989 йил 19 декабрдаги «Айрим конституцион масалалар юзасидан ССР Олий Советига ва Конституция комиссиясига топшириқлар тўғрисида»ги қарорига амал қилиб, ушбу Қонун эълон қилинган пайтдан кучга киритилсин.

2. «ССР Иттифоқи билан федерация субъектлари ўртасидаги ваколатларни фарқлаш тўғрисида»ги ССР Қонунининг қоидалари ССР Иттифоқи билан федерация субъектлари ўртасидаги шартномавий муносабатларни янгилаш учун асос деб ҳисоблансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунлари «ССР Иттифоқи билан федерация субъектлари ўртасидаги ваколатларни фарқлаш тўғрисида»ги ССР Қонунига мувофиқлаштирилгунига қадар амалдаги қонун ҳужжатлари, агар улар ушбу Қонунга зид бўлмаса, қўлланилади.

4. ССР Олий Советининг комитетлари ва палаталарининг доимий комиссиялари «ССР Иттифоқи билан федерация субъектлари ўртасидаги ваколатларни фарқлаш тўғрисида»ги ССР Қонунига мувофиқ ССР Иттифоқининг амалдаги қонунларини ўзгартириш тўғрисида таклифларни ССР Олий Совети муҳокамасига тақдим этсинлар.

5. «ССР Иттифоқи билан федерация субъектлари ўртасидаги ваколатларни фарқлаш тўғрисида»ги ССР Қонунининг қоидалари ҳамда ССР Конституциясига тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифлар ССР халқ депутатлари тўртинчи съезди тасдиғига тақдим этилсин.

6. Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советларига иттифоқдош ва автоном республикалар қонунларини «ССР Иттифоқи билан федерация субъектлари ўртасидаги ваколатларни фарқлаш тўғрисида»ги ССР Қонунига мувофиқлаштириш таклиф қилинсин.

ССР Олий Советининг Раиси

А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 26 апрель.

Буюк Ғалабанинг 45 йиллиги олдидан

● **БУГУН ўзбекистонлик Улуғ Ватан уруши қатнашчиларидан бир гуруҳи Москвага жўнаб кетади. Унга жумҳурият уруш ва меҳнат ветеранларн Кенгашининг раиси, СССР халқ депутати Расул Ғуломов бошчилик қилмоқда.**

Ватан ўғлонларини шарафлайди

— Ўзбекистонлик собиқ жангчилар — кексалик ғаштини сураётган отахон ва онахонлар Ғалабанинг 45 йиллигига бағишлаб Москвада бўладиган учрашувлар ва тантаналарда қатнашадилар.

Улар орасида Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, уч марта Шуҳрат орден соҳиблари, уруш йилларида фронт ортида садоқат билан меҳнат қилган обрўли кишилар бор.

Хайрли сафар олдидан уларнинг айримлари билан суҳбатлашдик: ҳарбий учувчи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Абдусаттор Эшонқулов халқимизнинг ҳурматига сазовор бўлган отахонларидан бири. У Улуғ Ватан уруши йилларида Берлингача бўлган ҳаво жангларида жуда кўп марта жасорат кўрсатиб, душман истеҳкомларини яксон қилган. 1945 йилнинг март ойида унинг кўксига Қаҳрамонлик юлдузи тақиб қўйилган.

— Бу жуда ҳам мислсиз ғалаба, — деб ҳикоя қилади Абдусаттор Эшонқулов. — Унда миллионлаб кишиларнинг жасорати бор. Шунинг учун ҳам 9 Май буюк ва муборак байрамдир. Ҳозирги ёш авлод бу жасоратни абадий эъзозлаши ва уни қадрлаши лозим.

Москвага йўл олганлар орасида бухоролик Азим Раҳимовни ҳам учратиш мумкин. У уруш йилларида 1-Белоруссия фронтига қарашли 221-гвардия полкида взвод командири бўлган. У 1945 йилнинг 14-15 январида Польшадаги Зволень шаҳрида душман ичига кириб, гранаталар билан ҳужум нуқталарини яксон қилган, бир немис офицери ва тўрт солдатни асир олган. Унинг кўксида Совет Иттифоқи Қаҳрамони олтин юлдузи порлаб турибди.

Яна бир таниш сиймо. Бу киши Самиғ Абдуллаевдир. Отахон фронтдан қайтгач, ўзининг севимли касби — рассомлик билан шуғулланди. Қатор жозибали мўйқалам лавҳаларини яратди, кўп йиллар мобайнида Тошкент санъат музейига раҳбарлик қилди.

Самиғ Абдуллаев 1943 йилда Таман ярим оролини озод қилишда қатнашган. Красний қишлоғида ярим тунда 36 минани зарарсизлантирган. Шу билан танклар ва пиёдаларга йўл очиб берган. 19 сентябрдан 9 октябргача 3 мингта минани зарарсизлантирган, душман ўқи остида миналаштирилган кўприкни портлашдан сақлаб қолган.

Москвага йўл олганлар сафида Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Хўжамберган Иенбарганов, Сульги Лутфуллин, Азим Раҳимов, Жўрақул Тўраев, Сотим Нурметов, Тўхтасин Аҳмедов, Павел Шевелев, Олим Ҳакимов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мария Ковалева, Ўзбекистон ССР халқ депутати Турсуной Каримова, биринчи ўзбек машинист аёли, Ленин орденли Башорат Мирбобоева, пенсионер Ғайни Нажимов ва бошқалар бор.

● **БУГУН Ўзбек совет қомуси бош редакцияси Ғалабанинг 45 йиллиги муносабати билан рус тилида «Номлар ва жасоратлар» китобини нашрдан чиқарди. Ўзбек тилидаги «Жасоратнома» қомуси эса яқин кунларда китобхонлар қўлига етиб боради.**

«ЖАСОРАТНОМА»

Бу қомусий китобнинг муаллифи Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, истеҳфодаги полковник Николай Гаврилович Березняк. У узоқ йиллар мобайнида урушнинг матонатли жангчилари ҳақида кўплаб маълумотлар жамлади ва улар асосида ана шу китобни тайёрлади.

Ғалаба байрами муносабати билан рўзнома мақолалари тайёрланаётганда қизиқ мисолга дуч келинди. Ўзбек халқи жангчилари орасидан чиққан Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари орасида Содиқ Алиназаровнинг ҳам номи бўлиб, унинг кейинги тақдирини аниқлаш керак бўлди. Бу довюрак инсон ҳақида уруш йиллари чиқарилган жанговар варақада у Тошкент областининг Паркент районидан фронтга йўл олганлиги айтилган. Юртдошимизнинг кейинги тақдирини билиш учун республика ҳарбий комиссариатига, Уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашига қўнғироқ қилдик. Бирорта рўйхатларда унинг номи қайд этилмаган.

Бу орада Ўзбек Совет қомуси бош редакцияси тайёрлаган «Жасоратнома» китоби қўл келди. Унда Содиқ Алиназаров Фрунзе шаҳрида яшагани ва 1969 йилда вафот этгани қайд этилган.

«Жасоратнома» китобида ҳаёти ва тақдири Ўзбекистон билан боғлиқ бўлган Совет Иттифоқи Қаҳрамонларидан 341 ва уч мартадан Шуҳрат орденини олган 56 кишининг жасорати ва ҳаёти ҳақида етарли маълумотлар берилган. Бу китоб Ғалаба байрамига аталган муносиб совғадир.

А. ПУЛАТОВ.

Орол болаларига

Узбекистон Қизил Ярим ой жамияти Қорақалпоғистон АССР Қизил Ярим ой жамияти бўлими билан ҳамкорликда Орол денгизи атрофи болалари учун катта ҳиммат кўрсатди.

Қорақалпоғистон диёрида саломатлиги яхши бўлмаган ўқувчи болалар учун бепул йўлланма тарқатиладиган бўлди. Биринчи навбатда 20 ўқувчи Артекда бепул даволанади ва ўқийди. Ёзги таътил чоғида яна 60 ўқувчи ана шу оромгоҳга юборилади.

Бундан ташқари Орол денгизи болаларининг ёзги дам олишини мазмунли ўтказиш учун уларга республиканинг турли пионер лагерларига ҳам йўлланмалар берилади.

ВАЗИЯТ ОҒИР, АММО...

ТАДБИРКОР ДЕҲҚОН ЮТАДИ

Табиийки, йилдан йилнинг фарқи бор. Лекин бу йилги тафовут ҳаммасидан ошиб тушди. Апрель ойида куннинг совуқ кетиши, кетма-кет ёмғир ёғиши, ҳатто сел бўлиши кутилмаган қийинчиликлар туғдирди. Гарчанд бу бир жиҳатдан баъзи қишлоқ хўжалик экинлари ривожига ёрдам берган бўлсада, пахтакорларимиз учун анча ноқулайлик келтирди. Шу туфайли жумҳуриятимизнинг баъзи хўжаликларида ҳанузгача чигит экиб бўлингани йўқ.

Кўп йиллик тажрибаларнинг кўрсатишича, чигит қанча кеч экилса, ҳосилдорлик шунчалик пасаяди. Биз чигит тўла униб чиқадиган фурсатларни бой бериб қўйдик. Аммо ерда намнинг мўл тўпланганлиги, ҳавонинг бирданига исиб кетиши соғлом кўчатлар ундириб олишимизга ёрдам беришини ҳам унутмаслигимиз керак. Бироқ хавфли томони ҳам бор. Ҳавонинг исиб кетиши тупроқнинг юза қисмини қотириб юборади ва уруғнинг тўла униб чиқишига йўл бермайди. Шунинг учун ерларни вақтида чизеллаб, юмшатишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Ҳозирги пайтда ерга азот ўғитларнинг асосий қисмини солиш талаб этилади. Қишлоқ хўжалик экинларини, жумладан чигит экишни мустақил амалга ошириш имконияти берилгани яхши бўлди. Шу билан бирга деҳқонларимиз бу ишда фан ва техника ютуқларидан самарали фойдаланишлари керак. Жумҳуриятимизда пахта экиладиган майдонлар турлича. Улар ҳосилдорлиги, тупроқ структураси жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Шу сабабли мутахассислар дала меҳнаткашларига агротехник тадбирларни амалга ошириш юзасидан тегишли маслаҳатлар бериб туриши ҳам лозим.

Маълумки, ғўза — иссиқсевар экин. У етарли ёруғлик ва намлик бўлмаса, яхши ривожлана олмайди. Ғўзанинг бу талаби бутун вегитация давомида қондириб турилиши керак. Тупроқда етарли иссиқлик яратилиши, вақтида суғорилиши, унга кислород ва ҳаво етарли бўлиши зарур. Буларнинг ҳаммаси илдиз системасининг яхши ривожланишига хизмат қилади. Айни пайтда қаторлар орасига ишлов беришни бошлаб юбориб, ўсимлик ривожланишига ёрдам берилса, ёмон бўлмайди.

Деҳқон чигит униб чиқиши билан унинг илдиз системаси ривожланишини таъминлаши шарт. Илдизнинг шикастланишига йўл қўймаслик керак. Ваҳолонки, шикастланган илдиз 25—30 кунсиз ўзига келмайди. Шу туфайли тажрибали деҳқонлар яганани тезкорлик билан ўтказадилар. Бу иш ниҳолда иккита чинбарг пайдо бўлиши арафасида бошланса маъқул. Кечроқ ўтказилган ягана эса ҳосилдорликнинг гектар ҳисобига 1,5-2 фоиз камайишига олиб келади. Чунончи, яганалаш қанча кеч ўтказилса, илдиз системаси зарарланиши ҳам кўпроқ юз беради. Шунингдек ниҳолларнинг кўп бўлиши натижасида ердаги намлик ҳам тезроқ парланиб кетади.

Яганалаш пайтида далада кўчатларнинг зичлигига ва уларнинг бир маромда жойлашишига эътибор берилиши зарур. Гектарлар тўлалиги таъминланиши, етиштирилаётган навнинг биологик хусусиятларига кўра кўчатлар зичлиги ҳисобга олиниши шарт. Айни пайтда ягана ерларнинг ҳосилдорлиги ва унинг шўрланганлигига қараб ҳам ўтказилади. Ҳосилдорлиги паст ерларда ва шўрланган майдонларда, табиийки, кўчатлар миқдори кўпроқ бўлиши керак. Серҳосил ва ўртача ҳосил берадиган ерларда эса кўчатлар сони камроқ бўлса ҳам ҳосилдорлик камаймайди. Ниҳолларнинг зичлигини асосан деҳқоннинг ўзи белгилаши керак. Чунки тупроқнинг хусусиятларини ва жойнинг иқлим шароитини ундан бошқа ҳеч ким яхши билмайди. Биз эса агротехник ишларни давом эттириш, суғориш, турли касалликлар ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашиш пайтида ўсимликнинг маълум қисми нобуд бўлишини ҳисобга олиб, далаларда одатдагидан 15—20 фоиз кўпроқ ниҳол қолдирилишини тавсия этамиз.

Жорий йилда биз ғўзаларни маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиқлантиришни вақтида ва сифатли ўтказишга алоҳида эътибор беришимиз лозим. Азотли ўғитлар билан озиқлантиришни кечиктириб бўлмайди. Аммо минерал ўғитлар қўлланилаётганда муайян мувозанатни ҳисобга олиш зарур. Бильжакс ўсимликнинг ҳосил тўплашдаги биологик жараёни бузилади, ўғитнинг таъсир кучи камаяди.

Шунингдек, ғўзанинг ғовлаб кетишига ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Чеканкани ўз муддатида ва сифатли ўтказиш қуёш нурининг барча барларга максимал таъсир этишини таъминлайди, ҳосил тўплаш жараёни кучли кечади.

Ўтган фурсатни қайтариб бўлмайди. Аммо ғўза ривожига ривож қўшиш учун имкониятимиз ҳам, имтиёзимиз ҳам бор. Айни вақтда бошқа агротехник тадбирлардан ташқари ўсимлик ривожининг бошланғич босқичида қатор ораларига яхши ишлов бериш зарур. Бу хилдаги ишловни мунтазам камайтириб бориш тақозо қилинади. Чунки ўсимликнинг илдиз системасига жароҳат етказмаслигимиз керак. Бу ҳам ҳосилнинг камайишига олиб келувчи омиллардан биридир.

Профилактик тадбирлар — мўл ҳосил гарови. Қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашда биологик, механик, кимёвий ва физик воситалардан кенг қўлланиш лозим. Ҳар қандай зараркунандаларнинг пайи ўз вақтида қирқилмас экан, ғўзанинг нормал функционал фаолияти бузилади, ҳосилдорлик ҳатто 50 фоизгача камайиб кетади. Бегона ўтлар хусусида ҳам шундай хулоса чиқариш мумкин.

Биз қуйида бу йилги шароитда ғўза парваришига доир қатор таклиф ва талабларни санаб ўтдик. Парваришнинг айни ташвишли даврларида бу омилларни тўлиқ санаб ўтиш қийинлиги, шубҳасиз. Ғўза парваришида жараёнида туғиладиган баъзи бошқа ҳоллар ҳам бўладики, буни вазиятга қараб баҳолаш ва муайян тадбирлар қўллаш талаб қилинади.

Жумҳуриятимиз пахтакорларининг ғўза парваришида бўйича тажрибалари мўл. Ишонамизки, бу йил ҳам тадбиркорлик музаффар келгусидир.

А. ИМОМАЛИЕВ,
ВАСХНИЛ академиги, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси «Биолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

Ўзбекистон ССР 1990 йилги пул-буюм лотереяси иккинчи чиқарилиши бўйича 27-28 апрелда Хива шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг

2 РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Тиражда лотереянинг олти разрядига умумий суммаси 1.684800 сўм бўлган 588 та буюм ва 245412 та пул ютуқлари ўйналди.

Ютуқ тиражи лотереянинг бир разрядига ўтказилди. Жадвалда кўрсатилган барча ютуқлар лотереянинг бошқа разрядларидаги шундай серия ва номерларга эга бўлган билетларга ҳам тўланади. Масалан, серия номери 014714 билет номери 151 бўлган лотерея билети «Волга ГАЗ-24» автомашинасини ютганлиги кўрсатилган.

Бу — худди шу ютуқ ҳамма разряддаги шундай серия ва номерли билетларга ҳам чиққанлигини билдиради.

Бошқа буюм ва пул ютуқлари ҳам шундай тартибда ўйналган. Серия номери ва билет номери қуйидагича бўлган лотерея билетларига ютуқлар чиқди:

серия номерлари	билет номерлари	ютуқ номи	серия номерлари	билет номерлари	ютуқ номи	серия номерлари	билет номерлари	ютуқ номи	серия номерлари	билет номерлари	ютуқ номи
007833	036*)	25 сўм пул ютуғи —	010040	133*)	50 сўм пул ютуғи —	012411	103*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00	013873	045*)	100 сўм пул ютуғи —
007842	199*)	50 сўм пул ютуғи —	010046	177*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00	012413	013*)	300 сўм пул ютуғи —	013887	058*)	«Жигули ВАЗ—21063» автомашинаси 9000—00
007925	053*)	«Бирюса» холодильниги 385—00	010050	011*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00	012429	002*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00	013912	132*)	50 сўм пул ютуғи —
007988	123*)	500 сўм пул ютуғи —	010065	139*)	«Рекорд Ц—280» телевизори 720—00	012575	112*)	2х3 метрли гилам 450—00	014103	155*)	50 сўм пул ютуғи —
007991	143*)	Электр кофе майдалагич 25—00	010088	124*)	25 сўм пул ютуғи —	012602	156*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00	014144	182*)	300 сўм пул ютуғи —
008008	200*)	«Жигули ВАЗ—2108» автомашинаси 8500—00	010190	089*)	«Урал ИМЗ—8103» мотоцикли 1862—00	012677	048*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00	014214	182*)	Электр кофе майдалагич 25—00
008033	124*)	2х3 метрли гилам 450—00	010208	069*)	500 сўм пул ютуғи —	012695	101*)	«Жигули ВАЗ—2108» автомашинаси 8500—00	014223	116*)	«Снежинка» холодильниги 310—00
008066	163*)	300 сўм пул ютуғи —	010219	087*)	100 сўм пул ютуғи —	012705	036*)	250 сўм пул ютуғи —	014327	091*)	25 сўм пул ютуғи —
008119	149*)	«Жигули ВАЗ—21063» автомашинаси 9000—00	010230	101*)	«Жигули ВАЗ—21063» автомашинаси 9000—00	012713	021*)	100 сўм пул ютуғи —	014385	095*)	«Бирюса» холодильниги 385—00
008149	157*)	25 сўм пул ютуғи —	010347	053*)	25 сўм пул ютуғи —	012744	096*)	250 сўм пул ютуғи —	014434	116*)	Электр кофе майдалагич 25—00
008183	1—200	10 сўм пул ютуғи —	010378	155*)	«Бирюса» холодильниги 385—00	012823	120*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00	014436	051*)	250 сўм пул ютуғи —
008297	026*)	«Жигули ВАЗ—2108» автомашинаси 8500—00	010386	176*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00	012916	076*)	25 сўм пул ютуғи —	014437	128*)	250 сўм пул ютуғи —
008302	019*)	«Снежинка» холодильниги 310—00	010439	121*)	500 сўм пул ютуғи —	012924	155*)	100 сўм пул ютуғи —	014441	192*)	1000 сўм пул ютуғи —
008306	146*)	Электр кофе майдалагич 25—00	010443	1—200	10 сўм пул ютуғи —	013009	123*)	«Жигули ВАЗ—2108» автомашинаси 8500—00	014495	197*)	25 сўм пул ютуғи —
008316	024*)	25 сўм пул ютуғи —	010453	112*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00	013061	199*)	50 сўм пул ютуғи —	014526	167*)	«Снежинка» холодильниги 310—00
008343	105*)	25 сўм пул ютуғии —	010555	081*)	«Жигули ВАЗ—2108» автомашинаси 8500—00	013066	017*)	1000 сўм пул ютуғи —	014580	015*)	Электр кофе майдалагич 25—00
008357	034*)	100 сўм пул ютуғи —	010562	017*)	Электр кофе майдалагич 25—00	013101	144*)	100 сўм пул ютуғи —	014630	047*)	2х3 метрли гилам 450—00
008419	188*)	Электр кофе майдалагич 25—00	010573	163*)	50 сўм пул ютуғи —	013185	152*)	«Жигули ВАЗ—21063» автомашинаси 9000—00	014638	153*)	«Жигули ВАЗ—21063» автомашинаси 9000—00
008431	100*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00	010593	194*)	250 сўм пул ютуғи —	013224	050*)	500 сўм пул ютуғи —	014658	107*)	250 сўм пул ютуғи —
008434	075*)	«Рекорд Ц—280» телевизори 720—00	010645	176*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00	013252	097*)	50 сўм пул ютуғи —	014706	150*)	250 сўм пул ютуғи —
008462	197*)	2х3 метрли гилам 450—00	010673	180*)	25 сўм пул ютуғи —	013271	045*)	100 сўм пул ютуғи —	014714	151*)	«Волга ГАЗ—24» автомашинаси 16400—00
008467	141*)	100 сўм пул ютуғи —	010706	099*)	500 сўм пул ютуғи —	013371	030*)	Электр кофе майдалагич 25—00	014815	192*)	50 сўм пул ютуғи —
008479	154*)	50 сўм пул ютуғи —	010779	040*)	25 сўм пул ютуғи —	013423	196*)	«Рекорд Ц—280» телевизори 720—00	014825	192*)	«Бирюса» холодильниги 385—00
008539	137*)	Электр кофе майдалагич 25—00	010794	135*)	«Жигули ВАЗ—21063» автомашинаси 9000—00	013442	092*)	25 сўм пул ютуғи —	014916	132*)	500 сўм пул ютуғи —
008552	103*)	250 сўм пул ютуғи —	010814	167*)	50 сўм пул ютуғи —	013495	169*)	25 сўм пул ютуғи —	014947	065*)	100 сўм пул ютуғи —
008557	140*)	300 сўм пул ютуғи —	010816	089*)	«Рекорд Ц—280» телевизори 720—00	013531	138*)	250 сўм пул ютуғи —	014993	079*)	«Бирюса» холодильниги 385—00
008566	043*)	1000 сўм пул ютуғи —	010857	173*)	300 сўм пул ютуғи —	013533	050*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00	015056	101*)	«Жигули ВАЗ—2108» автомашинаси 8500—00
008627	179*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00	010907	088*)	50 сўм пул ютуғи —	013545	158*)	«Урал ИМЗ—8103» мотоцикли 1862—00	015085	133*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00
008643	148*)	25 сўм пул ютуғи —	010909	104*)	250 сўм пул ютуғи —	013557	095*)	500 сўм пул ютуғи —	015173	190*)	«Жигули ВАЗ—2108» автомашинаси 8500—00
008677	053*)	500 сўм пул ютуғи —	010990	163*)	2х3 метрли гилам 450—00	013651	010*)	250 сўм пул ютуғи —	015174	181*)	«Бирюса» холодильниги 385—00
008720	129*)	Электр кофе майдалагич 25—00	011179	050*)	50 сўм пул ютуғи —	013666	186*)	50 сўм пул ютуғи —	015176	037*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00
008735	073*)	«Снежинка» холодильниги 310—00	011199	095*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00	013701	125*)	100 сўм пул ютуғи —	015201	196*)	250 сўм пул ютуғи —
008747	127*)	«Жигули ВАЗ—21063» автомашинаси 9000—00	011232	031*)	250 сўм пул ютуғи —	013738	026*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00	015338	025*)	100 сўм пул ютуғи —
008815	049*)	«Бирюса» холодильниги 385—00	011252	127*)	100 сўм пул ютуғи —	013743	124*)	250 сўм пул ютуғи —	015368	157*)	25 сўм пул ютуғи —
008924	011*)	Электр кофе майдалагич 25—00	011297	015*)	100 сўм пул ютуғи —	013794	043*)	100 сўм пул ютуғи —	015376	024*)	Электр кофе майдалагич 25—00
008946	014*)	«Жигули ВАЗ—21063» автомашинаси 9000—00	011334	138*)	50 сўм пул ютуғи —				015377	186*)	25 сўм пул ютуғи —
009002	006*)	Электр кофе майдалагич 25—00	011394	001*)	250 сўм пул ютуғи —				015407	119*)	100 сўм пул ютуғи —
009021	081*)	2х3 метрли гилам 450—00	011396	166*)	100 сўм пул ютуғи —				015494	075*)	300 сўм пул ютуғи —
009031	122*)	«Жигули ВАЗ—2108 автомашинаси 8500—00	011420	167*)	50 сўм пул ютуғи —				015505	200*)	Электр кофе майдалагич 25—00
009085	130*)	Электр кофе майдалагич 25—00	011500	165*)	100 сўм пул ютуғи —						
009130	022*)	«Бирюса» холодильниги 385—00	011531	198*)	100 сўм пул ютуғи —						
009220	018*)	«Снежинка» холодильниги 310—00	011561	081*)	100 сўм пул ютуғи —						
009332	098*)	25 сўм пул ютуғи —	011573	004*)	«Жигули ВАЗ—21063» автомашинаси 9000—00						
009386	062*)	«Урал ИМЗ—8103» мотоцикли 1862—00	011581	122*)	250 сўм пул ютуғи —						
009409	102*)	Электр кофе майдалагич 25—00	011600	100*)	50 сўм пул ютуғи —						
009450	081*)	Электр кофе майдалагич 25—00	011604	084*)	50 сўм пул ютуғи —						
009479	093*)	100 сўм пул ютуғи —	011650	120*)	300 сўм пул ютуғи —						
009540	174*)	«Бирюса» холодильниги 385—00	011664	085*)	300 сўм пул ютуғи —						
009551	062*)	50 сўм пул ютуғи —	011827	045*)	Электр кофе майдалагич 25—00						
009555	072*)	Электр кофе майдалагич 25—00	011855	107*)	25 сўм пул ютуғи —						
009565	098*)	500 сўм пул ютуғи —	011857	070*)	250 сўм пул ютуғи —						
009566	058*)	250 сўм пул ютуғи —	011897	058*)	250 сўм пул ютуғи —						
009582	099*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00	011911	077*)	«Снежинка» холодильниги 310—00						
009587	036*)	1000 сўм пул ютуғи —	011919	101*)	50 сўм пул ютуғи —						
009589	181*)	2х3 метрли гилам 450—00	011944	011*)	25 сўм пул ютуғи —						
009651	146*)	«Урал ИМЗ—8103» мотоцикли 1862—00	012023	061*)	25 сўм пул ютуғи —						
009668	034*)	1000 сўм пул ютуғи —	012105	136*)	«Жигули ВАЗ—2108» автомашинаси 8500—00						
009707	077*)	«Бирюса» холодильниги 385—00	012182	064*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00						
009713	103*)	2х3 метрли гилам 450—00	012203	040*)	50 сўм пул ютуғи —						
009729	169*)	250 сўм пул ютуғи —	012265	175*)	«Рекорд Ц—280» телевизори 720—00						
009849	178*)	500 сўм пул ютуғи —	012299	092*)	2х3 метрли гилам 450—00						
009937	041*)	«Жигули ВАЗ—2108» автомашинаси 8500—00	012310	153*)	50 сўм пул ютуғи —						
009985	059*)	2х3 метрли гилам 450—00	012317	007*)	Электр кофе майдалагич 25—00						
009988	114*)	Электр кофе майдалагич 25—00	012360	142*)	300 сўм пул ютуғи —						
010005	089*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси 76—00	012404	051*)	2х3 метрли гилам 450—00						
			012405	150*)	«Жигули ВАЗ—21063» автомашинаси 9000—00						

*) Шу сериядаги билетларнинг қолган 199 номерига 1 сўмдан пул ютуғи чиқди.

ЮТУҚЛАРНИ ОЛИШ ТАРТИБИ:

1. Буюм ютуғи чиққан билетнинг эгаси хоҳласа шу буюмнинг қийматини нақд пул билан олиши мумкин.

2. «Волга ГАЗ-24», «Жигули ВАЗ-21063, 2108» автомашиналари, «Урал ИМЗ-8103» мотоцикллари СССР Жамғармалар банкининг Ўзбекистон республика банки нарядига биноан «Ўзбекбирлашув»нинг Тошкент базаси томонидан берилади.

3. Ўзбекистон ССР пул-буюм лотереяси билетларига чиққан 1100 сўмгача бўлган ютуқларнинг қиймати Иттифоқдош республикалар, область ва шаҳарларнинг жамғармалар банкларида ҳам тўланаверади.

Ана шу жамғармалар банкларидан буюм ютуқлари, шунингдек 1100 сўмдан ортиқ миқдордаги пул ютуқларини талаб қилиб олиш мумкин.

4. Ютуқ чиққан лотерея билетларини кечи билан 1991 йил 30 июнгача топшириш мумкин. Шу муддатдан кейин лотерея билетлари ютуқ тўлаш учун қабул қилинмайди.

5. Бошқа иттифоқдош республикаларда ўтказиладиган пул-буюм лотереяси билетларини Ўзбекистон ССРнинг ҳамма шаҳарларидаги жамғармалар банкларида текшириш ва ютуқларни шу банклар орқали олиш мумкин.

Бу жадвал расмий ҳужжат бўлиб, пул-буюм ютуқлари газетанинг навбатдаги сони чиққанидан кейин тўланади.

ЭСЛАТМА: Пул-буюм лотереяси бўйича ютуққа чиққан баъзи бир буюмларни ишлаб чиқариш тўхтатиб қўйилган бўлса, бундай буюмлар бошқа маркалардаги шунга ўхшаш буюмлар билан алмаштирилади. Агарда буюмларнинг чакана савдо нархи ўзгарган тақдирда буюм ютуқлари янги прейскурант кучга кирган вақтдан бошлаб янги нархлар бўйича тўланади.

Бундай пайтда нархлар ўртасидаги тафовут қиймати тўланмайди.

Агарда «Жигули» автомашинасининг модификацияси ўзгарган тақдирда ютуқ ўша маркадаги бошқа модификациядаги автомашина билан алмаштирилади ва бу вақтда ютуқ эгаси машина баҳосидаги тафовут қийматини тўламайди.

Агарда лотерея билетининг эгаси ютуққа чиққан автомашина қийматини нақд пул билан олишни хоҳласа, у ҳолда лотерея ўйини шартларига биноан унга ютуқ қиймати тўланади.

ТИРАЖ КОМИССИЯСИНИНГ РАИСИ — Халқ депутатлари Хива шаҳар Совети раисининг ўринбосари

Б. АБДУЛЛАЕВ.

Тираж комиссиясининг масъул котиби — Ўзбекистон ССР Республика Жамғармалар банкининг давлат заёмлари, лотереялар ва қимматбаҳо қоғозлар бўлимининг бошлиғи

А. М. ҲАЙДАРОВ.

СИРТДАН ТАЪЛИМ ОЛУВЧИ СТУДЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИНИНГ САНОАТ ВА ГРАЖДАН ҚУРИЛИШИ ФАКУЛЬТЕТИ

саноат ва граждан қурилиши ҳамда гидротехника иншоотлари ихтисосликлари бўйича сиртдан таълим олаётган студентларни

ЕЗГИ ИМТИҲОН СЕССИЯСИГА ТАКЛИФ ҚИЛИБ, УНИ ҚУЙИДАГИ МУДДАТЛАРДА ЎТКАЗИЛИШИНИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

1 КУРСДА — 7 майдан 20 майгача;

2 КУРСДА — 28 майдан 10 июнгача;

3 КУРСДА — 4 июндан 24 июнгача;

4 КУРСДА — 21 майдан 10 июнгача;

5 КУРСДА — 7 майдан 27 майгача.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ЎРТА ОСИЕ МЕДИЦИНА ПЕДИАТРИЯ ИНСТИТУТИ

1990 йилга

КУНДУЗГИ АСПИРАНТУРАГА

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

акушерлик ва гинекология, болалар ва ўсмирлар гигиенаси, нормал физиология, педиатрия, болалар анестизиологияси.

Сиртқи аспирантурага: педиатрия (2);

Клиник ординатурага: акушерлик ва гинекология (9), болалар юқумли касалликлари (2), болалар травмотологияси, болалар анестизиологияси, болалар гинекологияси, хирургия.

Ҳужжатлар топшириш муддати — 7 майгача.

Ҳужжатларни юбориш учун манзилгоҳ: 700140, Тошкент шаҳри, Чермет кўчаси, 103-уй. Телефон 62-54-30.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ТУҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

1990 ЙИЛ 5 МАЙ СОАТ 14.00 ДА

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

ПРОГРАММАДА: институт ректори, факультет деканлари, кафедра мудирлари, ўқитувчилар ва институтни битирганлар билан учрашувлар, мутахассислар ҳақида суҳбатлар, ўқув биноларига, лабораторияларга ва кафедраларга экскурснялар, ҳисоблаш маркази, фундаментал кутубхона, талабалар конструкторлик бюроси ва талабалар модалар уйи билан таништирилади.

Тадбирлар институт мажлислар залида ўтказилади. Учрашувга ўрта мактабларни, ўрта махсус билим юртларини, ҳунар-техника билим юртларини битирганлар ва ёш ишчилар, колхозчилар ҳамда ҳарбий хизматни ўтаган жангчилар таклиф қилинади.

ХУШ КЕЛИБСИЗ!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Горбунов кўчаси, 5-уй (4, 7, 9, 11, 28-трамвайлар; 2, 6, 13, 16-троллейбуслар; 2, 3, 45, 50, 54-автобусларнинг «Социалистик шаҳарча» 11-троллейбус; 77, 173-автобусларнинг «Тўқимачилик институти» бекатлари.

ВАСХНИЛ ЎРТА ОСИЕ БЎЛИМИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ВА ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ БУТУНИТТИФОҚ ПАХТАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

(Союз НИХИ)

«СОЮЗХЛОПОК» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

БЎЛИМЛАР БЎЙИЧА ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: ғўза селекцияси ва уруғчилиги, алмашлаб экишлар ва ғўза вилтига қарши кураш, ўғитлар, тупроққа ишлов бериш ва интенсив технология, ўсишни мувофиқлаштирувчилар ва дефиолация;

тупроққа ишлов бериш ва интенсив технология бўлими бош илмий ходими;

етакчи илмий ходимлар: алмашлаб экишлар ва ғўза вилтига қарши кураш, ўғитлар, тупроққа ишлов бериш ва интенсив технология (2), ўсишни мувофиқлаштирувчилар ва дефиолация;

катта илмий ходимлар: ғўза селекцияси ва уруғчилиги (6), алмашлаб экишлар ва ғўза вилтига қарши кураш (4), ўғитлар (3), тупроққа ишлов бериш ва интенсив технология (8), ўсишни мувофиқлаштирувчилар ва дефиолация (2);

илмий ходимлар: алмашлаб экишлар ва ғўза вилтига қарши кураш, ўғитлар (4), тупроққа ишлов бериш ва интенсив технология;

кичик илмий ходимлар: ғўза селекцияси ва уруғчилиги, алмашлаб экишлар ва ғўза вилтига қарши кураш (2), ўғитлар (5), тупроққа ишлов бериш ва интенсив технология (5).

КОНКУРС МУДДАТИ — 12 МАЙГАЧА.

Қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилинсин: 702133, Тошкент области, Оржоникидзе район, «ОҚҚОВОҚ» алоқа бўлими. Телефон: 64-20-45.

Тошкент политехника институти ректорати ҳамда радиоэлектроника ва автоматика факультетининг амалий ва назарий физика кафедраси жамоаси шу кафедра доценти А. Сафаровга отаси

Сафарбобо ЯҲЛЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон жумҳуриятининг ер ҳолатини яхшилаш ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси 12-қурилиш корхоналарининг бирлашмаси ташкилоти раҳбари Б. С. Остоновга отаси

Сона ОСТОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Олмос» жумҳурият улгуржи-чакана савдо бирлашмаси жамоаси Маргилон шаҳридаги воситачилик қилувчи 27-дўкон мудири Р. Мамадалиевга отаси

Мусажон МАМАДАЛИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент халқ хўжалиги институти ректорати ва жамоат ташкилотлари ҳамда «Ўзбек ва рус тиллари» кафедраси аъзолари шу кафедранинг катта ўқитувчиси Б. Жўраевга отаси

Мухсин ЖУРАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент халқ хўжалиги институти маъмурияти ва жамоат ташкилотлари институт Андижон филиалининг кафедра мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор

Исмоилжон Нурматович ЭРМАТОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бирлашма бош инженерининг ўринбосари Т. А. Анорбоевга онаси

Ойсулув СУЛТОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 10062. № 103. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12